

Судья: Т.Вахобов.

Маърузачи: Н.Якубжанов.

АПЕЛЛЯЦИЯ А Ж Р И М И № 2-2-493

2002 йил декабр ойининг 09 кунида Жиноят ишлари буйича Фарғона вилоят судининг апелляция судлов ҳайъатининг суд мажлиси бўлиб, Раислик этувчи А.Очилов, ҳайъат аъзолари Г.М.Рузиева 2.Н.Якубжановларнинг таркибида, Р.Шокировнинг хотиблигига, томонлардан прокурор Н.Асқаровларнинг иштирокида жиноят ишлари буйича Олтиариқ туман судининг 2002 йил 30 октябрдаги 20016027/143-сонли жиноят иши буйича чикарган ажримидан норози булиб фуқаровий давогар М.Тожибоеванинг келтирган хусусий шикояти иши материалларига қўшиб кўрилганда куйидагилар

А Н И К Л А Н Д И :

Суднинг ажримига кўра:

Эргашев Рахимжон Нозилович-1961 йил 12 марта Фарғона вилояти Охунбобоев туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оиласлик, 4 нафар фарзандлари бор, давлат мукофотлари олмаган, депутат эмас, муқаддам судланмаган, Охунбобоев тумани Гиштмон қишлоқ фуқаролар йигини Ҳўжалар маҳалласида яшаган, эҳтиёт чораси ўзгартирилиб суд томонидан 27.06.2002 йилдан қамоққа олинган.

Дастлабки тергов органи томонидан, Эргашев Рахимжон Нозилович 2000 йил 10 май куни Намангандан вилояти Ўти туманидаги «Саховат» дехқон-фермер хўжалиги раҳбари И.Далиевнинг ишончига кириб, ўзининг фаолияти тутатилган «Эргаш-влар»номли дехқон-фермер хўжалити номидан қалбаки шартнома тузиб, И.Далиевдан 12 тонна жаъми нархи 3.600.000 сўмлик металл листларни қабул қилиб олиб, уни пулини тўламасдан фирибгарлик йўли билан уни жуда күп миқдорда пулларини ўзлаштирганлигда, шунингдек 2000 йил ёз ойларида Марғилон шаҳридаги «Хақиқат» номли кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари М.Тожибоевани алдаб, ишончига кириб, фирибгарлик йўли билан уни жуда кўп миқдордаги 5.693.000 сўмлик мулқини қўлга киритиб, хужжатларни қалбакилаштириб ва соҳта хужжатлардан фойдаланиб жуда кўп миқдордаги даромадни қасдан яшириб, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятларини содир этганлиқда айбланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКК 168-моддаси З-қисмининг «а» банди, 184-моддаси З-қисми, 228-моддасининг 1-қисми ва 2-қисмининг «б»банди билан судга берилган.

Суд ишда қатнашган прокурор А.Тешабоевнинг, ишдаги янги очилган ҳолатлар буйича янги шахсларга нисбатан айб эълон қилиниши лозимлиги ва шунинг учун ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги киритган талабномасини мухокама қилиб, 2002 йил 30 октябрдаги ажрими билан, дастлабки тергов органи томонидан терговни бир томонлама олиб берилганлиги, ҳақиқий ҳолатлар аниқланмаганлиги, шунингдек, судда янги ҳолатлар очилганлиги сабабли, жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтарган.

Жабрланувчи М.Тожибоева суднинг ажримидан норози булиб келтирган хусусий шикоятида, суд ишнин ҳолатини юзаки текширганлигини, гувоҳлар тўлиқ сўралмаганлиги, далилларга баҳо бермаганлигини, шунингдек суд мажлисида берилган талабномаларни ва унда курсатилган ҳолатларни текширганлигини, шунинг учун суднинг ушбу ажримини бекор қилиб жиноят ишини янгитдан кўриш учун Тошкент шахри ёки Тошкент вилоятига юборишини сўраган.

Судланган Р.Эргашев ва унинг химоячиси К.Эргашев томонидан келтирилган эътироzonомада, жабрланувчини хусусий шикояти билан танишганлигини унинг келтирган важларига кўшилмаслигини, суднинг ажримини ўз кучида колдиришни сураган.

Судлов ҳайъати иш буйича вилоят судининг судьяси Н.Якубжановнинг маърузасини, прокурори Н.Асқаровнинг суднинг ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги хуносасини эшитиб, иш материалларини ҳар томонлама текшириб куйидаги асосларга кура суднинг ажримини ўзгаришсиз қолдиришликни лозим топади.

Чунки, дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишини кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖКК 22- моддаси талаблари яъни, иш буйича исботланиши лозим булган барча ҳолатлар синичковлик билан, ҳар томонлама тута ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ҳам оқлайдиган, ҳам фон қиладиган, шунингдек унинг жавобтарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам

оғирлаптирадиган ҳолатларини аниқлапти ва хисобга олини лозим деган талаблари бажарилмаган.

Суд жиноят ишини терговга қайтарипта ясес қилиб, терговни бир томонлама олиб борилганлигини, Р.П.Эргашевга фақат И.Долиев билан ўрталаридағи муюмаласи бўйича 12 тн. 3600000 сўмлик металл листвларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритганлиги айб қилиб қўйилганлиги, лекин судда янги очилган ҳолатлар яъни, 1998 йил куз ойлаидаги ҳозирги нархи 3000000 сўмлик 600 дона ДВП қурилип материали бўйича ва 17.02.1998 йилдаги 250 коробкадаги 5 тн. ҳозирги нархи 10 миллион сўмлик сариф ёғларни ўзаро муюмала қилишган бўлса да, лекин доҳқон фермер ҳўжаликларига кирим қилипмасдан, фойдасини ўзаро бўлишиб олипмоқчи бўлишиб, даромадни яширипганлиги, ҳужжатларни қалбакилаптирипганлиги ҳолати бўйича айб эълон қилинмаганлигини кўрсатган. Ушбу янги очилган ҳолатларни И.Долисб ҳам, Р.П.Эргашев ҳам инкор қилипмаган.

Шунингдек, Р.П.Эргашев ўзининг кўрсатувларида И.Долиевдан мутлақо 12 тн. металл лист олмаганлигини, ундан 1997 йил декабр ойида 10 тн. 400 минг сўмлик картошка олтанилиги, шуни пулини тўляй олмаганлиги сабабли, ҳар ойига 20 фоиздан ҳисоблаб, 12 тн. лист олган деб 3600 минг сўмга даъво қўзагатганлигини кўрсатиб келган. Бу ҳолат ҳам тергов органи томонидан юзаки текширилганлиги ва уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги кўрсатилган.

Ажримда яна, «Ҳақиқат» хусусий фирмаси билан банк ўртасида тузилган гаров шартномасига асосан олинган чорва ҳайвонлари, уларни бош сони йўқотилмасдан кичикроғига алмаптирилиб сотиб юборилиши, кредит шартномаси ва бизнес роҳиага аид равишда бошқа мақсадларга сарфлаб юборилиши тўлиқ текширилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Булардан ташқари, дастлабки терговда Р.П.Эргашевнинг жиноий шериклари Н.Тўйчисев, Ф.Алиев ва М.Хонимовларгумондор тариқасида сўроқ қилинмаган бўлсаларда, уларнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг «б»бендида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги кўрсатилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.08.2001 йилдаги «Амнистия тўрисидағи Фармони қўлланиб, уларнинг қисми жиноят ишидан ҳаракатдан асоссиз равишда тутатилганлиги кўрсатилган. Чунки, унбу моддада кўрсатилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумiga киришлиги ва бу Фармонга мувофиқ тутатимга асос бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 419-моддаси З ва 4-банлларида, айбланувчи зиммасига илгари қўйилган айблов билан боғлиқ бошқа айбловни қўйиш учун ёхуд айбловнинг оғирроқ айблов билан ёки ҳақиқий аҳволга кўра айблов хулосясида назарда тутитганидан жиддий фарқ қиласидан айблов билан алмаптирип учун асослар мавжуд бўлганида, шу иш юзасидан бошқа шахсларни айбланувчи тариқасида жалб қилишга асослар бўлса ва уларга тегишли материалларни ишда ажратиш мумкин бўлмаса, суд жиноят ишини қўпимча тергов юритиш учун қайтарипти лозим бўлади деб кўрсатилган.

Шунга кўра, судлов хайъати ушбу ҳолатларни эътиборга олиб, суднинг ажримини ўзгарипсиз, жабрланувчи М.Тожибосса томонидан келтирилган хусусий шикоятини қаноатлантиримай қолдиритни мақсадга мувофиқ деб топади. Чунки, судлов хайъати ишни қўшимча терговга қайташиб учун келтирилган асосларни суд мажлиси давомида тўлдириш имкониятига эга эмас деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кура, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 497-11, 497-13, 497-18-моддаларини куллаб судлов хайъати

### АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг 2002 йил 30 октябрдаги Эргашев Рахимжон Позиловични жиноят иши бўйича жиноят ишини қўпимча тергов юритиш учун қайтарип ҳақидаги ажрими ўзгарипсиз, келтирилган хусусий шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирисин.

Раислик этувчи:

(имзо)

А.Очилов.

Хайъат аъзолари: 1.

(имзо)

М.Рўзиева.

2.

(имзо)

Н.Якубжанов.

Ажрим нусхаси аслига тўғри деб,  
жиноят ишлари бўйича Фаргона  
вилоят судининг судьяси:

*М.И.Уф*

Н.Якубжанов